## КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

этайлик. Шундай қилайликки, партияда бўлғуси ҳисобот-сайлов кампаниясиёқ биз бу ерда шартлашиб олган принциплар асосида ўтсин. Кузда аппарат структурасига ўзгартишлар киритайлик. Советларни қайта тузишга келганда эса, шу билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар комплексини СССР Олий Советининг кузги сессиясида кўриб чиқайлик. 1989 йилнинг апрелида СССР халқ депутатлари сайловини, келгуси йилнинг кузида эса иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советига сайловни ўтказайлик.

Шу муаммоларнинг жуда катта моҳиятини эътиборга олиб, конференция Президиуми делегатлар муҳокамасига мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида қисқача резолюцияни киритади.

Конференциянинг сиёсий якунлари мана шулардан иборат. Ҳар бир делегат уйига қайтиб боргач, ишдаги ўртоқларига, коммунистлар ва партиясизларга, барча гражданларга бундан буён қандай иш тутишимизни, конференция қарорларини қандай қилиб амалга оширишимизни гапириб бера олади.

Сўнгра. Конференция ишининг сўнгги онларигача жамиятни демократиялаш, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш масаласи диққат марказида турди. Биз унинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини белгилаб, шу тариқа олдимизда турган: қайта қуришни чуқурлаштиришни ва унинг муқаррарлигини қандай қилиб таъминлаш мумкин,— деган асосий саволга жавоб қайтардик, деб ўйлайман. Шундай қилиб, конференция ўзининг асосий вазифасини бажарди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. **(Қарсаклар).**

Ўз-ўзидан равшанки, келгусида ислоҳотларни турмушга татбиқ этиш соҳасида зўр ғайрат билан ташкилий иш олиб борилиши керак бўлади. Мана шуларнинг ҳаммасини партияда ҳам, жамиятда ҳам обдон муҳокама қилиш лозим. Аммо биз энди сиёсий системани айни қандай қилиб ўзгартириш лозимлигини биламиз, умумий бир фикрга келдик, шу фикрни сиёсий йўл-йўриқлар тарзида таърифлаб бердик.

Конференцияда туб иқтисодий ислоҳотни давом эттириш ва чуқурлаштириш қатъияти кучли янграганлиги ҳам жуда муҳимдир. Бунинг учун Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларида, қабул этилган қонун актларида, айниқса Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги, кооперация ҳақидаги Қонунларда шарт-шароит яратилган эди. Кўпгина корхоналарнинг янги принциплар асосида дастлабки ойларда ишлаш тажрибаси, ислоҳот қандай бораётганлиги масалалари диққатимиз марказида бўлди. Шундай бўлиши ҳам тўғри эди: базисда рўй бераётган ҳамма воқеалар жамият учун жуда катта аҳамиятга эгадир, бу қайта қуришнинг пойдеворидир.

Агар шу масалалар хусусидаги мунозаранинг энг муҳим, таянч жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, конференциядан кейин биз ишга тўғаноқ солиш иллатларини тугатишни охиригача олиб бориш билан асосли равишда шуғулланишимиз ҳақида гап бормоқда. Деярли барча делегацияларнинг вакиллари ҳозирча бюрократизм тишини ғижирлатиб турибди, қаршилик кўрсатмоқда, ишга ҳалақит бермоқда, деб айтдилар. Натижада эса ислоҳот кўп соҳаларда юришмай қолмоқда. Бу, эҳтимолки, делегатлар бу ерга олиб келган энг муҳим кузатувларнинг биридир, демак, гап кенг тарқалган ҳодиса ҳақида бормоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз Марказий Комитетда ҳам, ҳукуматда, марказий ва маҳаллий ташкилотларда ҳам туб иқтисодий ислоҳотни зўр ғайрат билан илгари силжитиш учун бутун кучни ишга солишимиз керак.

Ҳозирги босқичда асосий кучларни озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қаратиш, деҳқонларимизга ҳар томонлама ёрдам беришни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйиш зарурлиги ҳақида гапирган ўртоқларнинг фикрини делегатлар якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман. Шу беш йилликдаёқ қилиниши лозим бўлган ишлар албатта бажарилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз кўпгина ресурсларни қидириб топдик, турли йўллар билан бу соҳага қўшимча капитал маблағ билан ресурслар юбордик. Мана шуларнинг ҳаммаси чинакамига ўзлаштирилиши, ишга солиниши керак. Қишлоқни кўтариш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўйлаймизки, конференциядан кейин талабчанликни кучайтириш, конференциянинг аграр секторни, қишлоқ меҳнатчиларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги кўрсатмасини амалга ошириш бутун жараёнини назоратга олиш лозим. Шундагина биз озиқ-овқат муаммоси тезроқ ҳал этилишига эриша оламиз. **(Қарсаклар).**

Назаримда, конференциянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, сиёсат ва экономиканинг энг зарур муаммолари унда маънавий соҳа билан чамбарчас боғлаб муҳокама қилинди, бамисоли маънавий мезонлар билан ўлчанди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, барча ижтимоий жараёнларга фан-техника революциясининг зўр таъсири шароитида ҳеч қандай муаммолар халқнинг интеллектуал ва маънавий потенциалисиз чинакамига ҳал бўла олмаслигини чуқур тушуниш мана шунда намоён бўлди. Илм-фан, маориф, маданият муаммоларини, адабиёт ва санъат тақдири баланд, юксак пардаларда муҳокама қилиниши мана шундан келиб чиқади.

Бу жабҳадан шу қадар кўп вакиллар қатнашган бошқа партиявий анжуманларни, ҳатто съездларни ҳам эслай олмайман ва билмайман. Бу минбардан ижтимоий онгда ўзаро баҳамжиҳат амал қилаётган, баъзан эса курашаётган тенденцияларни акс эттирувчи турли нуқтаи назарлар янгради. Бу —қонуниятлидир. Биз фикрлар хилма-хиллигини қарор топтиряпмиз, маънавий монополияни рад этяпмиз. Бироқ конференцияда баён этилган хилма-хил мулоҳазаларда бирлаштирувчи асосий фикр бор, у ҳам бўлса — ҳамма ишда инсонни, халқнинг манфаатларини кўзлаш, социализмнинг инсонпарварлик қадриятларини қарор топтириш кераклиги тўғрисидаги фикр десам сизлар бунга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Шундагина жамиятда мусаффо маънавий муҳит ҳам, ижодий фикрнинг жўшқин иши ҳам, маданиятнинг чинакам равнақи ҳам таъминланади.

Бизга порлоқ келажакка кўр-кўрона ишониш эмас, балки социалистик жамият кишисида, унинг меҳнати ва ижодиётида яшириниб ётган битмас-туганмас имкониятларни чуқур ва аниқ билишга таянувчи илмий прогноз керак. Айнан шу боисдан ҳам биз қайта қуришнинг мақсади социализмнинг янги, инсонпарварлик қиёфасига эришишдан иборат эканлиги ҳақида гапиряпмиз. **(Қарсаклар).**

Ошкоралик конференциянинг қаҳрамонларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Аввало, шунинг учунки, мунозарамизнинг ўзи жамиятда қарор топаётган рўй-ростлик, софдиллик, сидқидиллик муҳитининг натижаси бўлди. Яна шунинг учунки, бу ерда келгусида ошкораликни қай тарзда ривожлантириш кераклиги, унинг эҳтимол тутилган ва оқилона чегаралари қандайлиги муҳокама қилинди. Гарчи фикрлар ҳар хил бўлса-да, бу соҳада ҳам биз пировард натижада оммавий ахборот воситаларини, уларнинг ўтмишдан бизга қолган турли-туман салбий ҳодисаларни супуриб, итқитиб ташлаш, қайта қуришнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган дадил, янгича иш тутувчи, жозибадор кишиларни рағбатлантириш соҳасидаги ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деган фикрга келдик.

Иккинчи томондан эса, матбуот сўзи учун масъулиятни ошириш, гуруҳбозлик ва маҳкамачилик нафсониятлари ва тарафкашликлардан, фақат менинг гапим ҳақ, деган даъволардан халос бўлиш учун журналистларга нисбатан аниқ-равшан талаблар янгради. Матбуот сўзи авторитарлик ва бюрократик ўзбошимчаликнинг итоатгўй қуроли бўлиб қолган замонлар ҳали халқнинг эсида турибди. Шу боисдан ҳам ҳозир, турмушимизнинг ҳамма жиҳатлари инсонпарвар бўлиб бораётган пайтда танқид маданиятини, ўртоқларча мунозара маданиятини ўрганиш муҳимдир. Ўйлайманки, бу жиҳатдан ҳам конференциянинг иши ибратли бўлди: Биз ҳаммамиз партиявий мунозарани қандай олиб бориш кераклигини яхшироқ тушуна бошладик. **(Қарсаклар).**

Мана шу мунозарага муносабат доирасида Борис Николаевич Ельциннинг нутқини четлаб ўтишнинг имкони йўқ, деб ҳисоблайман. Аввало биз сизлар билан унга сўз бериб тўғри иш қилдик, деб ўйлайман. Мен ҳали айтганимдек, демократия доирасида бундай масалалардан сирлилик пардасини олиб ташлаш керак, ваҳоланки, бунда ҳеч қандай сир ҳам йўқ.

Ўртоқ Ельцин нутқининг конференцияда муҳокама қилинган конкрет муаммолар тўғрисида гап борган қисмида унинг нутқи докладга ҳам, мунозараларга ҳам талай даражада мос келади. Шу маънода унинг гаплари мунозараларнинг умумий оқимига келиб қўшилади. Биз бошқалар каби ўртоқ Ельцин ҳам қайта қуришни давом эттириш, жамият, халқ манфаатлари йўлида уни чуқурлаштириш кераклигини ёқлаб фикр билдирганлигини ҳам қайд этиб ўтамиз.

Мен фақат бир нарсага қўшила олмайманки, у ҳам бўлса Б. Н. Ельциннинг биз юзага келган турғунлик сабабларини етарлича таҳлил этмай, жамиятдаги ҳозирги вазиятни, тарихни, партия йўл қўйган камчиликларни чуқур таҳлил этмай туриб қайта қуришни эълон қилганимиз тўғрисидаги, қайта қуриш сафсатабозлик тусида, деб айтган гапидир.

Конференцияга тайёргарлик кўриш чоғида, партия ва жамиятда, конференциянинг ўзида бўлиб ўтган мунозаралар давомида биз қайта қуришнинг ютуқларини ҳам, муаммоларини ҳам принципиал позицияларда туриб баҳоладик, партия ва давлат органларининг, меҳнат коллективларининг, умуман мамлакатнинг фаолиятига якун ясадик. Биз тўғри иш тутдик деб айтаман, ўртоқлар, чунки қайта қуришнинг қандай авж олиб бораётганлиги ҳаммамизни хавотирлантирмоқда. Бу хавотирлик шу ерда ҳам янгради, у бизни сафарбар қилди, ислоҳотлар жараёнини яна ҳам қатъият билан олға силжитишдан иборат муддаомизни мустаҳкамлади.

Ўртоқ Ельциннинг биз уч йил мобайнида революцион ўзгартишларга эришмадик, деб қилган танқиди ҳам ноҳақ ва номақбул, деб ўйлайман. Олис истиқболга мўлжалланган умумий режани, жамиятимизнинг қайта қуриш орқали сифат жиҳатдан янги даражага эришишини назарда тутадиган бўлсак, ҳозирча революцион ўзгартишлар тўғрисида гапириб бўлмайди, албатта. Биз яшаб турган жамиятни, ҳозирги кўпгина ҳодисаларнинг илдизи бориб тақалган ўтмишни, атрофимиздаги дунёни ва улар билан ўзаро алоқаларимизни англаб олишга талайгина вақт сарфладик. Мана шуларнинг ҳаммасини ниҳоятда хатарли бўлган «революцион сакрашлар» билан ҳаракат қилмаслик, сиёсатда ўзбошимчаликка йўл қўймаслик учун идрок этиб олиш керак эди. Биз мана шуларнинг ҳаммасини билиб олиш ва жиддий танқидий таҳлил асосида қайта қуриш сиёсатини ишлаб чиқиш, сўнгра эса уни асосий йўналишлардаги амалий қарорларда мужассамлаштириш учун жамиятни, унинг интеллектуал, илмий потенциалини жалб этишимиз лозим эди. Шундай қилиш керак эди. Масъулиятни ҳис этиб, шундай қилиш лозим эди. Шу тариқа биз қайта қуриш сиёсатини таклиф этдикки, бундан бошқа сиёсат йўқ. **(Қарсаклар).** Шунинг ўзиёқ партиянинг ўтган босқичдаги катта ютуғи бўлди.

Биз ҳам ўртоқ Ельцин каби халқимизни безовта қилаётган амалий вазифаларни ҳал этиш тўғрисида жон куйдирмоқдамиз. Зотан ўйлайманки, бу ерда янграган нутқлар, айниқса ишчилар синфи вакилларининг нутқлари меҳнаткашлар ушбу масалаларнинг тезроқ ҳал этилишига умид қилаётганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Ельцин Марказий Комитетнинг Тезисларига нисбатан ҳам нима учун танқидий муносабатини билдирганлигини, бу Тезисларнинг асосли ва ўйлаб тузилганлигини шубҳа остига қўйганлигини билмайман. Бу ҳужжат партияда ҳам, мамлакатда ҳам, жаҳонда ҳам ғоят жиддий ҳужжат, деб қабул қилинди. Унинг гўё Тезисларни тайёрлашда Марказий Комитет аъзолари қатнашмадилар, деган даъвосини ҳам тушуниб бўлмайди. Мен шахсан Марказий Комитет аъзоларининг учдан икки қисми билан учрашдим, уларнинг ёзганлари, сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганликлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ниҳоят, Пленум бўлиб, унда Тезисларнинг лойиҳаси муҳокама қилинди, ўртоқ Ельцин унинг ишида қатнашди, аммо ҳеч нарса демади, сўз берилишини сўрамади. Бу ерда Марказий Комитет аъзолари ўтиришибди, ўшанда қандай бўлганлиги уларнинг ёдида.

Бизнинг бугунги конференциямиз, мунозараларнинг бутун характери, қабул қилинган ҳужжатлар — мамлакатда қайта қуриш давом этиб, кучга тўлиб бораётганлигининг энг ишонтирарли исботи деб ўйлайман, ўртоқлар.

Марказий Комитетда ва Сиёсий бюрода содир бўлаётган ишларнинг ҳаммасини инсонга хос тарзда билиб олишга уриниб (ахир, бу биринчи навбатда Бош секретарга дахлдорда), масаланинг тарихига қайтмасдан иложим йўқ. Биз ўртоқ Ельцинни Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретарлигига тавсия этганимизда пойтахт партия ташкилотидаги иш жиддий яхшиланиши зарур ва Москвадаги вазиятнинг ўзини соғломлаштириш талаб этилмоқда, деган фикрга асосланган эдик. Тажрибали, серғайрат, танқидий ёндаша оладиган инсон керак эди. Биз ўртоқ Ельцинда шундай фазилатларни кўргандик, айни шу нарса уни бу лавозимга кўтариш учун асос бўлиб хизмат қилган эди. Каминангиз ҳам бу ишга бош қўшганди. Дастлабки пайтларда ўртоқ Ельцин ишга фаол қўшилиб, уни жонлантириш учун кўп иш қилди, Москвада йиғилиб қолган салбий ҳодисаларга қарши курашни авж олдириб юборди. Биз Москва партия ташкилоти олдида қийин вазифалар турганлигини англаб, у сарфлаётган куч-ғайратларни қўллаб-қувватладик, аммо қайсидир бир босқичда қандайдир номақбул иш содир бўлаётганлигини сезиб қолдик. Қайта қуриш муаммоларини амалда ҳал этиш, уни турмушнинг барча соҳаларига татбиқ қилиш пайти келганида, туб ўзгартишларни кўзда тутган қизғин ва чуқур ишлар талаб қилинган пайтда шу нарса бошланди. Умуман шаҳар комитетининг ҳам, унинг биринчи секретарининг ҳам бунга қурби етмади. Ўртоқ Ельцин партия ташкилотига, одамларга, коллективларга таяниш ўрнига бақириқ-чақириқлар, буйруқбозлик усуллари билан иш тута бошлади. Шундан сўнг кадрлар тўхтовсиз алмаштириладиган бўлиб қолди.

Биз аввалига бу иш асосли бўлса керак, мўлжалдаги ўртоқлар танлаб олинмагандир, шаҳарда бўлиб ўтган конференция кадрлар масаласини тўғри ҳал қила олмаган бўлса керак, деб ўйлагандик. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Янги вазифаларни ҳал этишга, шаҳарни ва мамлакатни ривожлантиришнинг мана шу бурилиш босқичида партия ташкилотига раҳбарликни ўз зиммасига олишга ҳамма ҳам қодир бўлавермади. Лекин у кадрларни иккинчи ва учинчи мартадан алмаштира бошлаганида бу бизни безовта қилиб қўйди. Мен Сиёсий бюрода ўртоқ Ельцинга танбеҳ бердим. Борис Николаевич ўзи учун хулоса чиқариб олиши, буни ишда эътиборга олиши керак, деб ўртоқларча айтдим. Бошқача қилиб айтганда, бу ёрдамдан бошқа нарса эмас эди.

Сиёсий ходим сифатида ўртоқ Ельциннинг фожиаси нимада, деб ўйлайман? Амалий ишларни ҳал этиш лозим бўлган босқичда унинг кучи етмай қолди ва у баландпарвоз гап-сўзларга, маъмуриятчиликка берилиб кетди. Аммо ўшанда ҳам (бу ҳақда ҳамма билиши керак, биз бу масалани охиригача аниқлаб олишимиз лозим) Сиёсий бюро ўртоқ Ельцинни тамом бўлган киши, бундан буён ишлай олмайди, деб ҳисоблагани йўқ. Биз уни қўллаб-қувватлайвердик, Москвага доир катта-катта қарорлар қабул қилинди ,мен бу ҳақда Москва шаҳар партия комитетининг пленумида гапирган эдим.

Мен 1987 йилнинг августида отпускада бўлганимда ўртоқ Ельциннинг шахсий хатини олдим, хатда у ўзини шаҳар партия комитетининг биринчи секретари лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйган экан. Мен шошмаслик, бу масалани эътибор билан ўрганиб чиқиш зарур, деб ҳисобладим, ҳатто Сиёсий бюродагилар ҳам шу хатнинг мавжудлигини билишгани йўқ эди. Отпускадан кейин Борис Николаевич билан суҳбатлашишга қарор қилдим ва Октябрнинг 70 йиллигига доир тадбирларни ўтказишни, сўнгра эса учрашиб, гаплашиб олишни унга таклиф қилдим. У бунга рози бўлди, аммо келишиб олинганига хилоф равишда Марказий Комитетнинг октябрь Пленумида кутилмаганда сўзга чиқди. Унинг нутқи мазмуни тўғрисида гапириб ўтган эдим, менинг Москва шаҳар партия комитети пленумидаги нутқим эълон қилинди, мен ўшанда бошқа ҳеч нарса демаган эдим. Ўртоқ Ельцин муҳокамадан сўнг ва ўртоқлар билдирган фикр ва мулоҳазалардан кейин ўз хатоларини тан олди.

Пленум стенографиясидан парча келтираман — бу мажлиснинг охирида, ҳамма сўзга чиқиб бўлгандан кейинги гаплар эди.

«**Горбачев.** Айтчи, сен Марказий Комитетдаги ўртоқларингнинг фикр-мулоҳазалари ва насиҳатларига қандай муносабатда бўляпсан. Улар сенинг ҳақингда кўп нарсаларни айтишди ва сен нимани ўйлаётганингни билишлари керак. Қарорни улар қабул қилишадику.

**Ельцин.** Айрим иборалардан ташқари умуман берилган баҳога қўшиламан. Мен бугун сўзга чиқиб Марказий Комитетга ва Москва шаҳар ташкилотига панд берганлигим — хатодир.

**Горбачев.** Бундан буён ишни олиб боришга қурбинг етадими?

**Овозлар.** У эплай олмайди. Бундай лавозимда қолдириб бўлмайди.

**Горбачев.** Шошманглар, шошманглар, ахир мен унга савол беряпманку. Келинг ишга демократик ёндашайлик. Ахир қарор қабул қилишдан олдин жавоб ҳаммамиз учун керакку.

**Ельцин.** Мен партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Москва партия ташкилотига панд берганлигимни айтдим... айтган гапимни такрорлайман: «Сиёсий бюро аъзолигига кандидатликдан ҳам, Москва шаҳар партия ташкилотига раҳбарликдан ҳам озод қилишингизни сўрайман».

Фактлар мана шулардан иборат. Ўртоқ Ельциннинг нутқи сиёсий хато деб топилганидан кейин (буни унинг ўзи ҳам эътироф этди), мен шундай бўлсада Марказий Комитет аъзоларидан: келинг, уни Сиёсий бюро аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳозир ҳал этмайлик, шу масалани кўриб чиқишни Сиёсий бюрога топширайлик, деб илтимос қилдим. Аммо, вазият энди шундай авж олиб кетгандики, ишни бу аҳволда қолдириб бўлмасди. Биз Москва шаҳар комитетининг пленумида ҳамма гапни айтдик, пленумда эса, ўртоқлар ўзларингиз билганингиздек, ўртоқ Ельциннинг иши тўғрисида анча ўткир қилиб гапирдилар.

Умуман, ўртоқлар, бу нарса ўртоқ Ельцин учунгина сабоқ бўлиб қолмай, бу Сиёсий бюро учун ҳам, Марказий Комитет Бош секретари учун, ҳаммамиз учун ҳам сабоқ, деб ўйлайман. Биз партиямизни ленинча принциплар асосида, кенг демократиялаш, бошланғич партия ташкилотларига, кадрларга, сайлаб қўйиладиган активларга таяниш асосида қатъиян қайта тиклаш йўлидан сабот билан боришимиз лозим. Биз партиягина эмас, балки бутун жамият, даврнинг ўзи қоралаган эскича усулларни қўлланиб, ўз олдимизга қўйган буюк қайта қуриш вазифаларини ҳал эта олмаймиз. **(Қарсаклар).**

Яна бир сабоқ. Ўртоқлар конференцияда тўғри фикр билдирдилар: хабардор қилиш, ҳамма гапни айтиш керак эди, ўшанда жараён содир бўлган воқеадан авж олиб кетмаган бўлур эди.

**(Қарсаклар).**

Ўртоқлар, ҳозир делегатларни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтираётган масалага яна бир бор қайтаман (мен буни нутқлардан ҳам, хатлардан ҳам сезиб турибман): бу — ўзимиз қабул қилган қарорлар рўёбга чиқарилишини қандай қилиб таъминлаш масаласидир. Келинг, бутун партия турмушини, съезд буларнинг ҳаммасини Уставга киритишини кутиб турмай, конференция резолюцияларига мувофиқ тарзда қурайлик. Конференциянинг сиёсий йўл-йўриқлари бор, ана шуларга амал қилаверамиз. Бу биринчиси.

Энди иккинчиси. Келинг, умуман сиёсий система ислоҳотини орқага сурмайлик, қайта қуриш жараёнини олға силжитиш учун шундай ислоҳот зарур. Бу жараён ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд сиёсий системага келиб тақалмоқда. Марказий Комитетнинг январь Пленумида содир бўлган ишнинг такрорланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Январь Пленуми мамлакатда ва партияда рўй берган ҳодисалар чуқур таҳлил этилган, уларнинг сабаблари очиб ташланган катта Пленум бўлган эди. Аммо биз Пленум қарорларини рўёбга чиқариш механизмларини ўйлаб кўрмадик ва шу қарорлар «муаллақ» бўлиб қолиб, иш биз мўлжаллагандек бормади. Партия конференциямизнинг қарорларини ҳам худди шундай қисматга учратишга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ерда ўртага қўйилган кўпгина масалаларни резолюциялар қамраб олмайди. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммасини умумлаштириб, Пленум муҳокамасига олиб чиқиш, конкрет топшириқлар бериш ва ижрони назорат остига олиш керак. Кўпгина хатларда стенографик ҳисоботни босиб чиқариш таклифи билдирилди. Биз партиямизни, бутун жамиятни конференциядаги мунозара чоғида изҳор этилган фикрлар билан қуроллантириш учун албатта шундай қилишимиз керак.

Ўртоқлар, конференция арафасида ва унинг ўзида кўтарилган яна бир масала борки, у ҳам бўлса репрессияларнинг қурбонларига ёдгорлик барпо этиш тўғрисидаги масаладир. Эҳтимол сизларнинг ёдингизда бўлса керак, партия XXII съездидаги якунловчи нутқда шу ҳақда гапирилган ва у маъқуллаб кутиб олинган эди. Бу масала партия XXVII съездида ҳам кўтарилган бўлса-да, аммо, амалда ҳал қилинмади. Докладда айтиб ўтилганидек бедодлик қурбонларига нисбатан адолатни қайта тиклаш — бизнинг сиёсий ва маънавий бурчимиздир. Келинг, Москвада ёдгорликни барпо этиб, шу бурчни адо этайлик. Бу тадбирни бутун совет халқи қўллаб-қувватлашига ишончим комил. **(Қарсаклар).**

Ўз нутқимни тамомлай туриб мен конференция олдига қўйилган масалага, яъни партиянинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатда авж олдириб юборилган революцион қайта қуришни қандай қилиб чуқурлаштириш ва муқаррар қилиш масаласига яна бир бор қайтаман. Ишимизнинг бутун бориши, мунозара материаллари, унинг якунловчи ҳужжатлари конференция бу масалага аниқ-равшан жавоб бераётганлигини яққол кўрсатиб турибди: биз демократиялаш, иқтисодий ислоҳот ва сиёсий системани ўзгартириш орқали қайта қуришни муқаррар қиламиз; биз революцион қайта қуриш орқали жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, социализмнинг янги, инсонпарвар ва демократик қиёфасига эришамиз. Биз бундан буён ҳам олға бораверамиз, демократия ва ошкоралик шароитида шу мақсадга эришиш йўллари ҳамда усулларини ижодий излайверамиз, ўз олдимизга қўйилган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш соҳасида зўр бериб ишлайверамиз. **(Қарсаклар).**

М. С. Горбачев резолюция текстини ўқиб беради, бу резолюция бир овоздан қабул қилинади. У делегатларга юксак зафарлар ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

# РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАНИШ МУҚАРРАР ТУС ОЛСИН

Оренбург область Новотроицк шаҳридаги Орск-Халилово металлургия комбинатининг ишчиси **В. Ю. Нижельский** конференцияда сўзга чиқиб, жойларда қайта қуришнинг қониқарсиз бора ётганлигини акс эттирувчи бир мисол келтирди.

Комбинатда 1983 йилдан бери термотравил бўлимининг комплекси қурилаётир. Комплекс қиймати қурилиш-монтаж ишларини қўшиб ҳисоблаганда 100 миллион сўмдан ошади. Унинг учун аталган ҳамма ускуналар чет эллардан келтирилган. Ускуналар 1978 йилда сотиб олинган ва дарҳол жойига ташиб келтирилган эди. Жуда кўп миқдордаги узеллар ва агрегатлар учун комбинатда омборлар бўлмаганлигидан уларни очиқ ерда жойлаштиришга тўғри келган эди. Қачон қуриш, қаерда қуриш масаласи ҳал этилгунча ускуналар бузила бошлади.

Бу йил комплекс ишга туширилиши керак. Аммо қурилишга турли диаметрдаги 150 километр қувур ва юзларча тонна бўёқ шу пайтгача келтирилгани йўқ. Қурилиш тресте мурожаат қилмаган идора қолмади. СССР Госпланига сўнгги бор мурожаат қилинганида яққол бюрократик жавоб олинди: объектни белгиланган муддатда сўзсиз ишга тушириш учун меҳнат коллективининг куч-ғайратини сафарбар этиш зарур?

Деярли ўн йилдан бери очиқ ерда қолиб келаётган ускуналар занглаб, кўп узеллари ишдан чиқиб қолди, энди эса уларни тартибга келтириш зарур. Бунинг учун камида 12 миллион сўм керак бўлади. Номувофиқлик ва хўжасизлик ана шундай қимматга тушмоқда.

Нотиқ хўжасизликка қарши курашни кучайтиришга, ҳамма лавозимлардаги раҳбарлар масъулиятини оширишга қаратилган таклиф киритди.

Тўғри, ҳамма муаммоларни айни бир вақтда ҳал этиш қийин. Шу муносабат билан, деди у, маблағлар ва куч-ғайратларни Озиқ-овқат программасини бажаришга қаратиш мақбул бўлур эди. Яқин вақт ичида реал самара олиш учун ана шундай қилиш керак.

Нотиқ сиёсий система ислоҳоти устида тўхталиб, партиянинг навбатдаги съездигача бир қатор областлар, шаҳарлар ва районларда эксперимент ўтказиб, ана шу эксперимент жараёнида партия ва совет раҳбарлари вазифаларини қўшиб олиб боришнинг қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини текширишни таклиф қилди.

Республиканинг минглаб коммунистлари ва партиясиз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Тезисларини зўр фаоллик ва манфаатдорлик билан муҳокама қилиб, кўплаб таклифлар киритдилар ҳамда партиянинг қайта қуриш ленинча йўлини қўллаб-қувватладилар, деди ўз нутқида КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р.-Б. И. Сонгайла.** Буларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб партия Марказий Комитетига тақдим этилди, асосий таклифлар мажмуаси Литва меҳнатчиларининг конференция делегатларига наказн тариқасида республика матбуотида ҳам эълон қилинди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг партияга, у ўтказаётган қайта қуриш сиёсатига ишончи мустаҳкамланаётганлигидан, одамларнинг бу сиёсатни ақл-заковати ва қалби билан, сўзи ҳамда иши билан қўллаб-қувватлашга интилиши ортаётганидан яққол далолат беради.

Республикани иқтисодий ривожлантиришдаги ижобий силжишлар ҳам бунинг тасдиғидир. Беш йиллик биринчи ярмининг дастлабки якунлари иқтисодий ва социал ривожланиш асосий кўрсаткичлари бўйича топшириқлар муваффақиятли бажарилаётганлигининг далилидир. Аммо бу натижалар социал-иқтисодий тараққиётдаги бурилиш тўғрисида гапиришга ҳуқуқ бермайди. Вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциали ва бошқа резервлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шу муносабат билан нотиқ марказий экономика идораларида ва иттифоқдош министрликларида иш услуби ва методини қайта қуриш зарурлиги тўғрисида гапирди. У маъмурий ҳукмронлик аввалгидек давом этаётганлигини таъкидлади. Давлат буюртмаси ва иқтисодий нормативлар тўғрисидаги масалалар ёмон ҳал этилмоқда. Улгуржи савдо механизми ҳам ҳозирча суст ишламоқда. Олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг айрим бўш ва зиддиятли қисмларига нисбатан билдирган фикрларга қулоқ солиш ёмон бўлмас эди.

Нотиқ келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва капитал маблағлар соҳасида структура сиёсатини тубдан ўзгартириш йўлига қатъий ўтиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади. У шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий мувозанатни тиклаш проблемасига эътиборни қаратди. Бусиз Озиқ-овқат программасини ҳал этиб бўлмайди.

Литва меҳнатчилари Тезисларни муҳокама қилиш жараёнида бир қатор иқтисодий, социал ва айниқса экологик проблемаларни ҳал этишда иттифоқдош республикаларга катта мустақиллик берилиши тўғрисидаги масалани қўйганларини нотиқ маълум қилди. Унинг фикрича, бу масала хусусида СССР Конституциясига тегишли тузатишлар киритилиши лозим. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларини жадал қуриш, тарих ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, шаҳарларнинг, айниқса, Вильнюснинг эски қисмини таъмирлаш муаммолари республика учун ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Нотиқ докладнинг мамлакатимизда сиёсий система ислоҳотига тааллуқли қоидаларини қўллаб-қувватлади. У идеология ишига талабчанликни ошириш зарурлиги тўғрисида ҳам гапириб, норасмий ҳаракатлар ва бирлашмалар фаолиятига тўхталди. Булар демократия ва ошкоралик кенгайтирилишини ёқлаб, партиянинг қайта қуриш йўлини амалга оширишга кўмаклаша оладилар. Аммо бунинг учун уларга партия таъсирини кучайтириш лозим. Энг аввало, ўзини сиёсий системамиздан четга олишга интилаётган, демократия ва ошкоралик байроғи остида социализмга ёт қарашларни тиқиштиришга, партия органларига ўз хоҳиш-иродасини ўтказишга уринаётган кишилар билан муроса қилиб бўлмайди. Нутқда шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг аҳволи таҳлил қилиб берилди.

Чувашия АССР Ядрин районидаги «Ленинская искра» колхозининг раиси **А. П. Айдак** ўзидан аввалги нотиқнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий мувозанатни тиклаш керак, деган фикрини ривожлантирди. Раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси, деди у, биз узоқ вақт деҳқонлар ҳисобига, уларнинг ҳақ тўланмаган меҳнати ҳисобига яшашимизга олиб келди. Сўнгра нефть пайдо бўлди: чет эллардан озиқ-овқат харид қилиш учун табиий ресурсларни сотиш турғунлик даври «қаҳрамонларининг» тарихимиз ва авлодларимиз олдидаги жиноятига айланди. Бу кўп жиҳатдан партия қуйи структурасининг давлат қарорларини қабул қилиш системасига таъсир этиш имконияти бекор қилинганлиги туфайли содир бўлди. Биз революциямизга ленинча софликни қайтаришимиз зарур, деб таъкидлади нотиқ.

Колхоз раиси ҳозирги вақтда гражданларнинг деярли барча категориялари мамлакатда у ёки бу имтиёзларга эга эканлигига эътиборни қаратди. Буни абадий тугатиш биринчи навбатда раҳбарларнинг барча имтиёзларини тугатиб, меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб маош тўлаш керак, деди у. Бу, нотиқ фикрича, ҳар қандай мослашувчиларнинг партияга суқулиб киришига қарши ишончли тўсиқ бўлади.

Делегат хўжаликни бошқаришнинг иқтисодий методига ўтиш зарурлиги тўғрисидаги докладда айтилган таклифни қўллаб-қувватлади. Раис нуқтаи назаридан, қишлоққа нисбатан бу, масалан, энг яхши техникани бемалол танлаб олиш реал имкониятида ифодаланиши керак. Бунинг учун катта заводларнинг монополия мавқеини тугатиш керак. Давлат қабули эмас, балки истеъмолчилар корхонани машиналарнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашга мажбур этишлари керак. Заводлар ўртасида рақобат бўлмаса, қишлоқ учун яхши техникани биз ҳеч қачон кўрмаймиз.

Сўнгра нотиқ колхоз ва совхозларнинг планларни мустақил тузишлари, рақобатчилик негизида ишлаб чиқариш учун айниқса зарур маҳсулотларга давлат буюртмаси системасидан самарали фойдаланиш кераклиги ҳақида гапирди. У ҳозирги вақтда демократиялаш ҳали агросаноатга тўла даражада дахл қилмаганлигига эътиборни қаратди. Унинг раҳбариятини на фақат район, балки иттифоқ даражасида ҳам сайлаш даркор. Эҳтимол, агросаноат ҳозирги қиёфасида узоққа бора олмас. Аммо у яхшими, ёмонми, ҳозир раҳбарликнинг бошқа формаларига ўтиш жойларда ҳал қилиниши зарур. Бунда раҳбарлар составини пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг норматив методидан тўла даражада фойдаланиш керак, деб таклиф этди делегат. Ахир, ҳозир хўжаликлар агросаноатни таъминлаш учун маблағ ажратмоқдалар-у, аммо, ана шу маблағ сарфланиши устидан назорат қилиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Чунки район бўғинидан юқори бўлган агросаноат комитети раҳбарияти сайлаб қўйилмаганлиги учун хўжаликларга ҳисоб бермайди.

Қишлоқни юксалтириш, деб таъкидлади колхоз раиси, — қайта қуришнинг муваффақиятли бориши учун дастлабки ва ниҳоятда муҳим шартдир. У ҳозир қарор топган қишлоққа нисбатан социал адолатсизлик муаммосини таҳлил этиб, конкрет мисолларда колхоз ва совхозларда ҳамда шаҳарларда социал-маданий-маиший объектлар қурилиши учун турли имкониятларни кўрсатиб берди. Биз шаҳар билан қишлоқ аҳлининг социал ҳуқуқларини тенглаштирмай туриб, озиқ-овқат муаммосини ҳал эта олмаймиз.

Сўнгра нотиқ қишлоқни қайта қуришга ажратиладиган маблағни кўпайтириш мумкин бўлган резервларни айтиб ўтди. Бу энг аввало жуда катта қурилишларни амалга оширишга, кон қазиш ва қайта ишлаш саноати ишини яхшилашга, иккиламчи хом ашёдан самарали фойдаланишга катта ҳажмдаги маблағлар ажратишдан воз кечиш демакдир. У мелиоратив қурилишларга бюджетдан маблағ ажратишни тўхтатиб, колхоз ва совхозларнинг пули ва буюртмасигагина хўжалик ички тузилиши схемасига мувофиқ ирригация объектларини қуришни таклиф этди.

**(Давоми учинчи бетда).**

